**ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ**
**ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАЎЛЫ БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ**
**ӘЖИНИЯЗ АТЫНДАҒЫ**
**НӨКИС МӘМЛЕКЕТЛИК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИНСТИТУТЫ**

# «Шахс қәлиплесиўинде инновациялық-креатив қатнастың педагогикалық ҳәм психологиялық өзгешеликлери» атамасындағы

Республикалық илимий-теориялық онлайн конференция

**МАТЕРИЛЛАРЫ**

# «Шахс шаклланишида инновацион-креатив ёндошувнинг педагогик ва психологик хусусиятлари» мавзусидаги

Республика илмий-назарий онлайн анжуман

**МАТЕРИЛЛАРИ**



**Нөкис - 2020**

**УДК.159** **«Шахс қәлиплесиўинде инновациялық-креатив қатнастың**
**9.371.37331.5** **педагогикалық ҳәм психологиялық өзгешеликлери»**атамасында
**ББК.74.58** Республикалық илимий-теориялық онлайн конференция материаллары
**П-24.** топламы. Нөкис. НМПИ баспаханасы 2020-ж. 275 бет.

«Шахс қәлиплесиўинде инновациялық-креатив қатнастың педагогикалық ҳәм психологиялық өзгешеликлери» атамасындағы Республикалық илимий-теориялық конференция материалларына Республикамыздың жоқары ҳәм орта арнаўлы оқыў орынлары педагог-хызметкерлери, үлкен илимий хызметкер-излениўшилер,магистрантлар, талабалар им-тәрбиямәселелерине арналған илимий баянатлары киргизилген.

Конференция материалларының мазмуны ҳәм онда көрсетилген дереклердиң дурыслылығына авторлар жуўапкер.

**РЕДКОЛЛЕГИЯ ҚУРАМЫ:**

Б.Отемуратов — Ректор, редколлегия баслығы
П.Қалханов — Илимий ҳәм инновациялар бойынша проректоры редколлегия баслығы оынбасары
Қ.Қадиров — Жаслар менен ислесиў бойыншапроректоры редколлегия баслығы оынбасары

**Редколлегия ағзалары:**

1. Ш.Сапаров -педагогика факультети деканы., доцент
2. М.Пазылова -педагогика кафедрасы баслығы., доцент
3. З.Шеримбетова -психология кафедрасы баслығы,доцент
4. А. Алланов -музыкалық тәлим кафедрасы баслығы
5. М.Мамбетназарова -психология кафедрасы стажёр-оқытыўшысы, тех редактор
6. Э.Кеңесбаева -педагогика кафедрасы стажёр-оқытыўшысы, тех редактор

## МАЗМУНЫ


| 1-СЕКЦИЯ<br>ШАХС ҚӘЛИПЛЕСИУ МАШҚАЛАЛАРЫНА ЗАМАНАГӨЙ ЖАНТАСЫУ | | |
|---|---|---|
| Р.Р.Нематова,<br>Н.А.Бахриева | ИНФОРМАТИЗАЦИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА – ТРЕБОВАНИЕ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА | 6 |
| С. Ю.Кулатова | ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА АХБОРОТ ХАФСИЗЛИК ОМИЛИНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИ | 9 |
| Н. К.Сулейманова | РОЛ МЕДАКУЛЬТУРЫ В СОВРЕМЕННОМ ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ | 12 |
| Н.С.Сафаев,<br>Э.Ж.Нурымбетова | АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЮРИДИЧЕСКОЙ ПСИХОЛОГИИ | 13 |
| Ш. М.Султанова | ЭМОЦИОНАЛЬНОЕ ВЫГОРАНИЕ ПЕДАГОГА – ЧТО ЭТО ТАКОЕ И КАК ЕМУ ПОМОЧЬ? | 16 |
| Ш.М.Улугова | ЮКСАК МАНЬАВИЯТЛИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ | 20 |
| З.Ш.Шеримбетова | БАЛАҒА КРЕАТИВ ҚАТНАС ЖАСАЎДЫҢ СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИЯЛЫҚ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ | 23 |
| Sh. T.Alimbayeva | SHAXS SHAKLLANISHIDA MILLIY TARBIYANING AHAMIYATI BORASIDAGI ZAMONAVIY PSIXOLOGIK YONDASHUVLAR | 25 |
| Б.Н.Туракулов | НЕКОТОРЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ СТРУКТУРЫ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТА | 28 |
| З.Клычева | ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРГА ДУЧ КЕЛГАНДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ? | 31 |
| Э.Ж. Нурымбетова | РОЛЬ ТРЕНИНГ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ НАУКЕ | 34 |
| Z.Qurbamuratova | BALALARDIŃ SÓYLEW RAWAJLANIWIN ANIQLAWDA QOLLANILATUǴIN USILLAR | 36 |
| K.Kenjebaeva | KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARDA NUTIQNING RIVOJLANISHI | 37 |
| Г.Худайбергенова | КИШИ МЕКТЕП ЖАСЫ ОҚЫЎШЫЛАРЫНА ТӘЛИМ БЕРИЎ ҲӘМ ТӘЛИМДИ ӨЗЛЕСТИРИЎДЕГИ ӘҲМИЙЕТЛИ ТӘРЕПЛЕРИ | 40 |

- **Уверенность в себе**. "Я человек смелый и уверенный в себе. Я все смею, все могу" (последнюю фразу можно повторять несколько раз).
- **Спокойствие, стабильность**. "Я хочу быть спокойным и стабильным. Я хочу быть уверенным в себе".

Большое значение для противостояния выгоранию и сохранения профессионального здоровья учителей имеют **модели преодолевающего поведения.**

Конструктивными следует считать поиск социальной поддержки и уверенные действия. Неконструктивные способы поведения – избегание, манипулятивные и агрессивные действия – сопряжены с высоким уровнем выгорания и профессиональной дезадаптацией учителей.

Важно помнить, что положительные эмоции менее устойчивы и более затратные в плане психологической энергии. Негативные эмоции подпитывают сами себя, и чем больше мы в них погружаемся, тем дольше они будут длиться и могут постепенно перейти в негативное мировосприятие.

Поэтому каждый человек может осознанно выбрать – будет ли он выгорать под напором внешних обстоятельств, иногда действительно очень неблагоприятных, или прилагать энергию для поиска новых ресурсов своей личности через нахождение новых смыслов, позитивных моментов и просто через переживание сиюминутных приятных ощущений.

**Используемая литература:**

1.Бодров В.А. Психология профессиональной деятельности. – М.: Perse. – 2001.- 511 с.

2.Вопросы истории образования/ Гришин В.А., Зятева Л.А., Петрова И.Л., Прядехо А.А., Сосин И.Я. – б.: издательство БГПУ, 1999.

3.Гнездилова о.н психологические аспекты инновационной деятельности педагога // Психологическая наука и образование.- 2006.- №4.

4. Китаев-Смык Л.А. Психология стресса. – М.: Наука, 1983.- 368 с.

5.Пилиповский В.Я. Требования к личности учителя в условиях высокотехнологического общества. – Педагогика №5, 1997.

6.Селье, г. Стресс без дистресса / г. Селье. – М. : Прогресс, 2002. – 123-130 с.

7.Водопьянова Н.Е. Старченко Е.С. Синдром выгорания: диагностика и профилактика. – СПб.: Изд-во "Питер", 2008. 300 с.

8.Kikkinos C.M. Job stress, personality and burnout in primary school teachers // British Journal of Educational Psychology. 2007. №77(1). pp. 229-243.

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ

Ш.М.Улугова - БухДУ Психология кафедраси доценти

Юртимизда ёшларнинг юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш,интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зеро, замонавий билим ва

кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, Президентимиз ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасида эътиборга олинди.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эса қадимдан ота-боболаримиз томонидан шаклланиб келган асл миллий ва диний қадриятларимизни аҳамияти нечоғлик муҳим эканини кўрсатиб бермоқда. Зеро, эртанги фаровон ҳаёт жамиятни мукаммал ахлоқ тамойиллари асосида барпо қилиш, оилада баркамол фарзанд тарбияси, унинг жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънан етук, ақлан ва ахлоқан гўзал бўлиб етиши билан белгиланади.

Шахс маънавиятининг мазмун-моҳияти барча замонларда жиддий илмий-назарий мунозара мавзуси бўлиб келган. Албатта, «маънавият тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтиришимиз мумкин.Умуман ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно – мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онг-у тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий».

Дарҳақиқат, «маънавият табиатда ноёб ҳисобланган олмос тош каби кўп қирралидир. Олмосни ушлаб қайси томонидан томоша қилсангиз шу томони чексиз гўзаллик ва жило намоён қилаверганы каби маънавиятга ҳам қайси томондан ёндашилса, ўзининг серқирралиги билан кишини ҳайратга солади».

Маънавиятга Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида кенг қамровли таъриф берилган: «Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир». Инсон мавжуд экан ҳаёти давомида ўзининг маънавий қиёфасини ҳам англаб боради. Маънавият инсонларнинг ўзаро муносабатларида, унинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланади ва ривожланади. Ҳар бир инсон ўз маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб, то умрининг охиригача шакллантириб боради. «Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак». Инсоннинг инсонлигини унинг бошқа жонзотлардан фарқи айнан шу ўз – ўзини англашдан, ўзининг кимлиги ёки нималиги, нималарга ва яна қандай ишларга қодирлигини била олишидан бошланади.

Ҳозирги тараққиёт босқичида нафақат ёшлар, балки жамиятимизнинг

барча аъзолари орасида миллий маънавият, миллий ғоя, миллий онг, миллий узликни англаш, миллий руҳ, миллий менталитет каби тушунчалар асосида ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари тобора кучайтирилиб бормоқдаки, ўз навбатида буларнинг барчаси юксак маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантирадиган асосий фазилатлар ҳисобланади. Энг муҳими, бундай муқаддас тушунчалар одамлар тафаккурига республикамизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар билан биргаликда сингиб бормоқда. Айниқса, маънавий-мафкуравий ишларнинг ягона тизим асосида, аниқ мақсадга қаратилган ҳолда олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.Бунда оила, маҳалла ва таълим –тарбия даргоҳларидаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутади. «Сира муболағасиз айтиш мумкинки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги.....катта ишда зиёлиларимиз асосий ҳал этувчи ўринни эгаллашлари даркор. Зиёлиларни сўзи одамларнинг онгу шуури ва қалбида ҳамиша акс садо беради».

Шахс маънавиятини шакллантиришга қаратилган маънавий-мафкуравий тарғибот ишларимизда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак;

- маънавий тарғибот – ташвиқот ишларида турли ихтисос ва йўналишлардаги мутахассислар маърузаларидан унумли фойдаланишни инкор қилмаган ҳолда, турли конференцияларда, учрашувларда жонли мулоқот ва амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратишимиз, мавжуд муаммо ва камчиликларни очиқроқ муҳокама қилишимиз лозим;
- маънавий тарғибот - ташвиқот ишларида турли воситаларни мукаммал даражада ишга солинишига эришмоғимиз лозим;
- миллий маънавиятни такомиллаштиришга хизмат қилувчи ахборотлар базасини янада кўпайтириш, миллий интернет порталлари, матбуот нашрлари фаолиятини янада кенгайтириш ва жонлантириш лозим;
- миллий маънавиятимизни ўзида акс эттирган, ёшлар тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган кинофильмлар, спектакллар, турли хил концертлар, бадиий адабиётларни аниқлаш ва ёшлар орасида тарғиб қилиш, шунингдек, турли хил муқаддас зиёратгоҳлар ва диққатга сазовор тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш керак;
- барча таълим муассасаларида оила-маҳалла-таълим тизимини янада кучайтириб, доимий назоратга олиш ва бошқалар.

Хуллас, миллий маънавият тараққиёти юксак маънавиятли шахслар асосида такомиллашиб боради. Глобаллашув шароитида миллий маънавиятни такомиллаштириш ва ривожлантиришга ҳисса қўшадиган маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш нафақат зиёлилар, балки ҳар бир фуқаро олдида турган масъулиятли вазифадир.